



HAYOT DAVOMIDA TA'LIM OLİSH: YANGI  
PARADIGMALAR VA KUTILADIGAN NATIJALAR  
FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Холмуродов Аъзам Шахриёрович

*Жиззах вилоят Педагогларни янги методикаларга ўргатиши миллий маркази  
директори, иқтисод фанлари номзоди*

**Илғор хорижий давлатларда педагог ходимларнинг  
малакасини оширишдаги тажрибалари таҳлили**

**Аннотация.** Мақолада малака ошириш курсларининг квалификацияси, уларни шакли, тури, давомийлиги, таълим дастурларининг мазмуни, марказлашган ва номарказлашган каби категориялар, малака ошириш жараёнлари билан боғлиқ қатор ўзига хос муаммоли жиҳатлар, мазкур тизимнинг ривожланишидаги замонавий тенденциялари, малака ошириш тизимидағи хорижий тажрибалар таҳлили, узлуксиз таълим концепцияси ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** узлуксиз таълим концепцияси, ҳаёт давомида таълим (life long learning education), катталар таълими (adult education), узлуксиз касбий таълим (continuing vocational education and training), умрбод таълим, таълим учун ўз-ўзини рағбатлантириш.

Малака ошириш курсларининг институционал тузилиши нуқтаи назаридан олиб қараладиган бўлса, педагог кадрларнинг, хусусан, умумтаълим мактаби ўқитувчиларининг малакасини ошириш Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия каби давлатларда қонунчилик билан назоратга олинган бўлса, Швецияда бу фаолият давлат аралашувисиз амалга оширилади.

Ривожланган давлатларнинг малака ошириш тизимидағи асосий тенденцияларидан бири бу узлуксиз таълим концепцияси билан белгиланади.



Узлуксиз таълим - бу шахсга йўналтирилган таълим концепцияси бўлиб, давлат ва жамоат институтлари тизимидан фойдаланиш асосида, шахс ва жамият эҳтиёжларига мувофиқ, бутун умр давомида шахснинг таълим (умумий ва касбий) салоҳиятини ошириш жараёни ҳисобланади. 1970-йилларнинг ўрталаридан бошлаб кўплаб мамлакатларда узлуксиз таълим ғояси қўллаб-қувватланди.

Узлуксиз таълим тузилмаси қўйидагилардан иборат:

- ҳаёт давомида таълим (lifelong learning education);
- катталар таълими (adult education);
- узлуксиз касбий таълим (continuing vocational education and training).

Узлуксиз касбий таълимнинг мақсадлари таълим олувчиларда мустақиллик, мақсадлилик ва масъулиятни ривожлантириш, иқтисодиётда, бутун жамият маданиятида, шунингдек, касбий ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришларга мослашиш қобилиятини мустаҳкамлашдан иборат.

Узлуксиз таълимнинг таснифий шакллари сифатида расмий, норасмий ва информал таълимни киритиш мумкин бўлади.

Расмий таълим - бу мактаб ўқувчилари ва ёшларнинг асосий фаолияти сифатида ўзаро боғлиқ бўлган ўқув дастурлари мажмуасини таъминловчи таълим муассасалари тизими.

Норасмий таълим - бу расмий таълим таърифига кирмайдиган ҳар қандай ташкил этилган ва давом этувчи ўқув фаолияти. Норасмий таълим талабани сертификатлаш учун мўлжалланмаган. У ҳам касбий йўналишга, ҳам умумий маданий йўналишга эга бўлиши мумкин.

Иформал таълим - бу ўқув фаолиятининг барча турларини ўз ичига олган таълим. Аниқ бир таълим ташкилоти ёки муассасаси тизимида эмас, балки индивидуал ва гурух даражасида амалга оширилиши мумкин<sup>1</sup>.

Жумладан, Америка Кўшма Штатларида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизимининг ривожланиши таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу мамлакатнинг сиёсий ва ишбилармонлик дунёси раҳбарлари бошқа мамлакатларга қараганда узоқ муддатли иқтисодий фаровонликнинг зарурий шарти - педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизими эканлигини англаб етишган. Бироқ, Америкада ҳам малака ошириш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши изчил ва бир хил босқичда кечган эмас.

Мутахассислар Америка Кўшма Штатларидаги малака ошириш тизимининг ривожланиш босқичларини шартли равишда уч босқичга ажратиб кўрсатишади.

Кўшма Штатларда малака ошириш тизимини ривожлантиришнинг биринчи босқичи (1940-1960 йиллар)да малака ошириш таълимини молиялаштириш ва назоратини амалга оширишда давлатнинг аралашуви кузатилмаган.

Иккинчи босқич (60-80-йиллар)да олий ўқув юртидан кейинги педагогик таълим тизимининг шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, бунда малака

<sup>1</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki>



оширишнинг янги шаклларини (университетлар ва педагогика коллажларида турли хил қисқа ва узоқ муддатли курслар) ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиб, малака ошириш таълимини молиялаштиришда марказлаштириш ва уни давлат томонидан мувофиқлаштириш тизими жорий этила бошланган.<sup>2</sup>

Учинчи босқич, 1980-йилларда америкалик мактаб ўқитувчисининг касбий ривожланишида профессионал-касбий жиҳат етакчилик қилган ва бунда асосан шахсга йўналтирилган таълим, фаолиятли-когнитив ёндашув методологиясига асосланилган.

XXI аср бошларида эса, Америкада педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришда ўқув жараёнини диверсификация қилиш, малака ошириш тизимида таълим хизматлари маркетингини ривожлантириш, инновацион таълим технологияларини жорий қилиш, менторлик тизимини ривожлантириш, касбий малакаларни муддатли ўзлаштиришдан, узлуксиз касбий ривожланиш, ҳаёт давомидаги таълим (*lifelong learning*) ёндашувларига устуворлик берилган<sup>3</sup>.

Малака ошириш таълим дастурлари мазмунида эса, ходимнинг касбий ва шахсий фазилатларини ошириш, мулоқот кўниммалари, интизом, касбий ва шахсий ўзини ўзи ривожлантириш ва ўз-ўзини тарбиялаш истаги каби фазилатларга алоҳида аҳамият берилади; меҳнат фаолияти субъекти сифатида мутахассиснинг касбий аҳамиятли сифатлари ва қобилиятларини ривожлантириш, уларни ҳақиқий меҳнат шароитларига мослаштириш; ҳамкаслар ва таълим олувчилар билан профессионал муносабатда бўлиш; касбий фаолиятнинг муайян турини муваффақиятли амалга ошириш; касбий фаолият истиқболларини башорат қилиш каби компетенцияларнинг ривожлантирилишига алоҳида устуворлик берилади<sup>4</sup>.

Буюк Британиядаги ўқитувчилар малакасини ошириш тизими ўқитувчининг “янги”, “ёш битиравчи”дан “мутахассис”гача ривожланишига кўмаклашиш учун мўлжалланган.

Замонавий Буюк Британия таълимининг ўзига хос хусусиятлари орасида анъана ва инновациялар уйғуналигини ажратиб кўрсатиш мумкин бўлади.

Буюк Британияда таълимнинг шаклланган ижобий анъаналарига жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишади ва уларни сақлашга ҳаракат қилишади. Чунки, кўпгина таълим муассасалари асрлар давомида шаклланган анъаналарга эга ҳисобланади ва улар қўллаб-қувватланади.

Шу билан бирга, британия тизими инновацияларсиз ўзининг юқори сифат ва рейтингини сақлаб қолиши ҳам мумкин эмаслигини тан олган ҳолда, таълимни ташкил этиш шакллари, мазмuni ҳамда ёндашувларни модернизация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

<sup>2</sup> Узлуксиз таълим агентликлари; Миллий таълим институти; Миллий фан фонди ва бошқалар.

<sup>3</sup> Хатюшина А.А.Повышение квалификации учителей США с учетом личностного развития // Социально-реабилитационная инноватика: теория, технологии, практика. – М: Изд-во РГСУ, 2007.

<sup>4</sup> Афанасьев В.В., Куницына С.М., Лебедев В.В., Растворская Т.В., Табаровская К.А. Отечественный и зарубежный опыт персонификации в системе дополнительного профессионального образования, Международный научно-исследовательский журнал • №9 (51) • Часть 4.



Буюк Британияда ҳар бир талаба учун марказлаштирилган маълумотлар базаси яратилган ва такомиллаштирилади. Талабаларнинг таълим ютуқларини баҳолашда учта ёндашув қўлланилади: мезонли, меъёрий ва индивидуал. Мезон ёндашуви даражасида таълим ютуқларини миллий стандартга мувофиқлик даражаси текширилса, меъёрий даражада - шаклланган билим ва кўникмалар асосида таълим олувчиларни истиқбол ва имкониятлари аниқланади, индивидуал даражада ҳар бир талабанинг энг юқори натижалари тенгдошларининг таълим ютуқлари даражаси билан таққосланади<sup>5</sup>.

Хитойда ҳам ўқитувчилар малакасини ошириш курслари ва институтлари мавжуд. Мактабларда янги ўқитувчи ўз ҳамкасларининг маҳорат дарсларида қатнашиши, тажрибали мутахассислар билан дарсларни таҳлил қилиши ва ёш ўқитувчилар учун танловларда қатнашиши шарт. Давлат режасида педагог кадрлар малакасини ошириш билан бир қаторда уларни ишга қабул қилишда аниқ малака стандартларини ишлаб чиқиш белгиланган. Бошланғич ва ўрта мактаб ўқитувчилари ўз малакаларини мунтазам равища янгилаб туришлари керак.

Хитойда мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш ёки университетда ёки малака ошириш институтларида амалга оширилиб, асосан масофавий малака ошириш дастурлари кенг қўлланилади.

Японияда расмий буйруққа кўра, ўқитувчи доимий равища профессионал формада бўлиши, малакасини ошириши учун иш жойини мунтазам равища ўзгартириши керак. Ўқитувчилар ҳамкасларининг дарсларида қатнашишлари керак. Баъзи ўқитувчилар аспирантура ва докторантурада ўқиши давом эттириш учун стипендия олишади. 2004 йилдан бошлаб Японияда ўқитувчининг касбий фаолиятини баҳолаш тартиби малака ошириш дарслари натижаларига боғлиқлиги ўрнатилди. Малака ошириш сертификатини олмаган ўқитувчилар номақбул деб топилади ва мактабда ишлашдан четлаштирилади.

Малака ошириш тизимидағи илғор тажрибалардан яна бири бу таълимдаги, хусусан, малака ошириш тизимидағи ваучер тизими ҳисобланади. Катталар таълимида ваучер ғояси асосан Европа мамлакатларида тарқалган.

1996 йилдан Финландияда ишсизларга бир ёки икки йўналишда касбий таълим олиши учун ваучерларни жорий қилиш бошланган. Бунда катта ёшли таълим субъектлари, яъни ишсиз фуқаролар ваучерларни олиши (600 Фин маркаси ҳисобида) ёки бандлик марказларида бепул ўқиши мумкин эди. Бундай ёндашув уларда қўшимча касб ўрганишга, жумладан, тил курсларига боришга, ахборот-коммуникация технологиялари борасидаги янги курсларни ўзлаштиришга ва шу орқали янги иш жойларини излаб топишига бўлган мотивациянинг ортишига сабаб бўлган. Бу тажриба Испания, Италия, Россия каби давлатларнинг малака ошириш тизимида ҳам ўз аксини топган.

Илмий-педагогик таҳлиллардан маълум бўладики, хорижий давлатларнинг педагог кадрлар малакасини ошириш тизимидағи ўзига хослигини қўйидагиларда қўришимиз мумкин бўлади:

<sup>5</sup> Е.В.Андринко. Сравнительная педагогика. Новосибирск 2016, 66-70 стр.



- биринчидан, ривожланган давлатларда малака ошириш таълим тизимининг ташкилий-бошқарув тизимидағи ўзига хосликларнинг мавжудлиги. Масалан, Швецияда малака ошириш тизимида давлатнинг аралашуви кузатилмайди; Финляндияда педагог кадрларнинг малака ошириши ва қасбий ривожланиши учун иш берувчилар жавобгар ҳисобланади; Японияда эса, малака ошириш давлат назоратидаги йўналиш ҳисобланади;

- иккинчидан, хорижий амалиётда малака ошириш таълим муассасаларининг аксарият қисми олий таълим муассасалари хузурида фаолият юритади. Бунда малака ошириш жараёнларида таълим, фан ва амалиёт интеграциясига алоҳида эътибор қаратилиб, илмий-инновацион ишланмалар ҳамда соҳа ютуқларини педагог кадрлар томонидан тезроқ ва самарали ўзлаштирилишига эришилади;

- учинчидан, ривожланган давлатларда таълим муассасалари, хусусан, олий таълим муассасалари академик ва молиявий мустақилликка эга бўлиб, бунинг асосида улар ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талабларини **қасбий стандартлар асосида мустақил шакллантириш ва тасдиқлаш**, таълим олиш шаклини белгилаш, шу билан бирга фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан, унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайдиган таркибий тузилмалар, тижорат ва нотижорат ташкилотларни ташкил этиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Шу билан бирга, малака ошириш тизимидағи илғор тажрибаларни таҳлил этиш асосида ўзига хос мулоҳазали жиҳатлар ҳам кўзга ташланди, яъни малака ошириш курсларида педагогларнинг қасбий ривожланиши мазкур курсларда дарс берадиган услубчи-тьюторларнинг малака даражасига боғланиб қолиши, педагогларда ўз устида ишлаш ва малака оширишга нисбатан мотивациянинг етишмаслиги, таълимни табақалаштириш даражасининг пастлиги ва малака ошириш таълим дастурларига имкониятнинг ҳаммага ҳам тенгдек эмаслиги кабилардир.

Юқорида келтирилган таҳлилларга асосланиб, республикамида педагог кадрлар малакасини ошириш тизимидағи таълим хизматларини ташкил этиш, малака оширишнинг таълим мазмуни ва шаклларидағи вариативликни ривожлантитириш ва эҳтиёжларга йўналтириш каби масалаларнинг илмий-педагогик ечимларига эътибор қаратилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Узлуксиз таълим агентликлари; Миллий таълим институти; Миллий фан фонди ва бошқалар.
2. Хатюшина А.А.Повышение квалификации учителей США с учетом личностного развития // Социально-реабилитационная инноватика: теория, технологии, практика. – М: Изд-во РГСУ, 2007.
3. Афанасьев В.В., Куницына С.М., Лебедев В.В., Растворская Т.В., Табаровская К.А. Отечественный и зарубежный опыт персонификации в



системе дополнительного профессионального образования, Международный научно-исследовательский журнал • № 9 (51) • Часть 4.

4. Е.В.Андринко. Сравнительная педагогика. Новосибирск 2016, 66-70 стр.

5. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
6. <https://uzedu.uz/>
7. <https://edu.uz/>
8. <https://avloniy.uz/uz>